

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРЗАЕВА НАСИБА ХОЛБОВНА

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Элмурзаева Насиба Холбоевна

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия
жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятлари.....5

Элмурзаева Насиба Холбоевна

Педагогические свойства учебного процесса в специализированных
государственных образовательных заведениях.....23

Elmurzaeva Nasiba Holboevna

Pedagogical properties of the educational process in specialized public educational
institutions.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРЗАЕВА НАСИБА ХОЛБОВНА

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cspi.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қораев Самаридин Баракаевич**
педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар: **Сапа Матчонов**, педагогика фанлари доктори, профессор;
Муҳаммаджон Қуронов, педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика университети.**

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Те.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўча, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-45-41;

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ да _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси п.ф..д., профессор

Ф.У.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари доктори (DSc)

У.Н.Хўжамқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси педагогика фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё таълим тизимида алоҳида эҳтиёжли болаларни ижтимоийлаштириш билан боғлиқ инновацион ёндашувлар коррекцион ва инклюзив таълим амалиётига мақсадли ҳамда манзилли равишда жорий этишга устуворлик берилган. Бу соҳада илғор анъаналарнинг пайдо бўлиши имконияти чекланган ўқувчилар учун мўлжалланган таълим-тарбия жараёнини инновацион ёндашувлар воситасида такомиллаштиришни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Бутун жаҳон банки ҳамкорлигида қабул қилинган “Таълим-2030. Инчхон декларацияси” (“Education 2030. Incheon Declaration”) ва “Инклюзив мактаб – махсус таълимга муҳтож болалар” (“Inclusive Schooling – Children with Special Educational Needs”) (Буюк Британия, 2001) каби халқаро ҳужжатларда белгиланган очик таълим муҳитини яратиш ва таълимни уйғунлаштириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида имконияти чекланган шахсларнинг таълим-тарбия олишлари ва жамиятга интеграциясини таъминловчи зарур мослашув муҳитини яратиш, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг дифференциаллашган тармоқларини мақбуллаштириш нормалари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, дарс ва машғулотларнинг вариатив моделларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, таълимда алоҳида эҳтиёжлари бўлган болалар ривожланишида мавжуд муаммоларнинг физиологик, психологик ва педагогик хусусиятлари инobatга олинган ҳамда ёш давларига мос ўқув юкламалар, ҳимояловчи педагогик тартиб мезонларини аниқлаштиришсиз амалга ошмайди. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини болалар эҳтиёжига йўналтирилган ҳолда хавфсиз ва қулай муҳитда ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болалар ва катталар учун сифатли таълим-тарбия хизматларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган бўлиб, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг

моддий техника базаси мустаҳкамланмоқда, дарсликларнинг янги авлодлари жорий этилмоқда. “Алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлаш”¹ тизимлараро келишилган давлат дастурлари доирасидаги вазифа сифатида белгиланган. Ҳозирда имконияти чекланган ўқувчилар учун таълим-тарбия жараёнини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш, таълим муҳитига самарали усуллар, воситалар ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларини жорий этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15-октябрдаги ЎРҚ-641-сон “Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, 2020 23-сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 13-октябрдаги ПҚ-4860-сон “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12-октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришнинг педагогик, психологик, ташкилий аспектлари Б.Адилов, Х.Ибрагимов, Р.Джураев, Н.Шодиев Ш.Қурбонов ва бошқаларнинг илмий изланишлари тадқиқ этилган.

Миллий махсус педагогиканинг логопедия йўналишида Н.Абидова, Ш.Арипова, М.Аюпова, Л.Мўминовалар, сурдопедагогика йўналишида

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни: Тошкент, 2020 йил 23 сентябрь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

Н.Бекмуродов, Н.Дадахўжаева, З.Мамаражабова, Д.Назарова, У.Файзиева, С.Турғунбоев, Ф.Қодирова, Д.Якубжановалар, олигофренопедагогика йўналишида Д.Нуркелдиева, В.Рахмонова, Р.Шомахмудова, М.Хакимова, М.Хамидова, Н.Мусаевалар илмий изланишлар олиб борган бўлиб, амалиётга коррекцион ёндашувларни самарали жорий этишга оид тавсиялар татбиқ этганлар.

Умумтаълим мактаблари таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларни қўллашнинг дидактик имкониятлари Р.Джураев, Ў.Толипов, У.Бегимкулов, Ф.Закирова, Ш.Мардонов ва бошқаларнинг тадқиқотларида асослаб берилган. Касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг назарий-методик ва ижтимоий-педагогик асослари Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Х.Рашидов каби олимларнинг изланишларида тадқиққа тортилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида кичик мактаб ёшидаги болалар ўқув фаолиятини ташкил этиш масалалари И.Байтингер, Л.Бадалян, И.Гребенникова, Ю.Загуменнов, А.Змушко ва бошқалар, имконияти чекланган болалар учун интеграллашган таълим муаммолари Д.Зайцев, Г.Гуровец, М.Литвак ва бошқалар, имконияти чекланган ўқувчиларни яқка тартибда уйда ўқитишнинг педагогик асослари А.Тихонов, Е.Винарскаяларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Хорижий олимлардан А.N.Maslow, J.Piaget, C.R.Rogersларнинг илмий тадқиқотларида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг назарий-педагогик асослари ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Чирчиқ давлат педагогика университетининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятларини аниқлаштириш ҳамда технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммога оид педагогик, илмий-методик адабиётлар ҳамда миллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали ихтисослаштирилган таълим

муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

индивидуал ёндашув ва ўз-ўзини таҳлил қилишга асосланган рефлексив таълим муҳити талаблари асосида имконияти чекланган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш моделини такомиллаштириш;

педагогиканинг замонавий парадигмалари асосида ахборотлашган дарс ишланмаларини яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини ташкил этишнинг педагогик хусусиятларини аниқлаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри 106-сонли ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси, Чирчиқ шаҳридаги 23-ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ва Самарқанд шаҳридаги 59-сонли ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг 174 нафар респондент-ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, усул, восита ва технологиялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари имконияти чекланган ўқувчиларни руҳий, интеллектуал, жисмоний жиҳатдан комплекс ташхислашнинг инновацион ёндашувларини коррекцион таълим амалиётига интегратив имплементация қилиш орқали такомиллаштирилган;

имконияти чекланган ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясини самарали ташкил этиш механизмлари технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини назорат қилишга мулжалланган усуллари мактаб ва оила ҳамкорлиги муҳитида ижтимоий фаоллик муносабатида қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели шахсга йўналтирилган, компетенциявий ёндашувларни коррекцион-педагогик амалиётга носоғлом анализатор фаолиятини тўлдирувчи компенсацион таъсирда интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

дарс ва коррекцион машғулотларини ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш технологиялари ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятида диагностика, адаптация, коррекция тадбирларини уйғунликда SMART режалаштиришнинг инструментал техникаларини қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

имконияти чекланган ўқувчиларнинг амалий фанлар бўйича билим, кўникма ва амалий малакаларини назорат қилиш усуллари, мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

ўқувчиларда касбий компетентликни шакллантириш бўйича “Технология” фанидан ўқув-услугий мажмуа ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

инклюзив таълим шароитида “Тери туюшни ва майда қўл моторикасини ривожлантириш” фанини ўзлаштириш бўйича олиб бориладиган иш тизимини мужассамлаштирган коррекцион машғулотлар серияси (correctional lessons series) ишлаб чиқилган;

педагогиканинг замонавий парадигмалари асосида амалий фанлар блокига кирувчи фанлардан ахборотлашган интерфаол амалий машғулот ишланмалари (informed interactive practical training projects) яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогиканинг асосий тамойилларига ҳамда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, муаммо юзасидан республикамиздаги ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда ғояларига таянилганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсад ва вазифаларининг адекватлиги, ҳулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш технологияси ва уларни амалга ошириш механизмлари, имконияти чекланган ўқувчиларнинг амалий фанлар бўйича билим, кўникма ва амалий малакаларини назорат қилишнинг жорий усуллари, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони

бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг миллий моделининг илмий асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятлари бўйича назарий хулоса ва тавсиялардан, ўқувчиларда касбий компетентликни шакллантириш бўйича “Технология” фанидан яратилган ўқув-услубий мажмуа ва дастурий таъминот материалларидан, амалий фанлар блокига кирувчи фанлардан ахборотлашган интерфаол амалий машғулот ишланмаларидан таълим жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини педагогик-психологик ташкил этиш ва комплекс ташхислашнинг инновацион ёндашувларини коррекцион таълим амалиётига интегратив имплементация қилишга оид таклифлари ФЗ-2016-0910202206-рақамли “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон ПФИТИ нинг 16 март 2020. 01/15-09/77 сонли маълумотномаси). Натижада, дарс ва коррекцион машғулотлар жараёнида имконияти чекланган ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича тарбиявий таъсир тадбирларини олиб бориш имкониятлари кенгайтирилган;

ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели шахсга йўналтирилган, компетенциявий ёндашувларни коррекцион-педагогик амалиётга носоғлом анализатор фаолиятини тўлдирувчи компенсацион таъсирда интеграциялашга доир тавсияларидан ОТ-Ф1-049 рақамли “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” мавзусидаги лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Жиззах политехника институтининг 2022 йил 30 июндаги 02-1515-15-07-сонли маълумотномаси). Натижада, имконияти чекланган болалар таълим муассасаларида ўқув жараёнини технологик жиҳатдан самарали ташкил этишга эришилган;

имконияти чекланган ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясини самарали ташкил этиш механизмлари технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини назорат қилишга мулжалланган усулларни мактаб ва оила ҳамкорлиги муҳитида ижтимоий фаоллик муносабатида қўллашга оид таклифларидан ЁА1-009-сон “Олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг методик тизимини

ишлаб чиқиш ва шу асосда инновацион электрон ўқув-услубий мажмуасини яратиш” мавзусидаги 2017-2018 йилларда бажарилган илмий тадқиқот лойиҳаси фойдаланилган (Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2022 йил 14 мартдаги 86-сонли маълумотномаси) Натижада, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнини шахсга йўналтирилган тамойиллар асосида ташкил этишда ўқитувчилар фаолиятининг моделлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 11 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида дастлаб ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўқувчиларини мустақил фикрлаш, креативлик, ташаббускорлик ва жамоавийлик сифатларини шакллантириш долзарб муаммо эканлиги асосланган.

Халқ таълими тизимида бугунги кунда жами 88 та жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар фаолият олиб бораётганлиги, улар ҳудудлар кесимида ихтисослигига кўра қуйидаги турлари бўйича таҳлил қилинган:

кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари;

кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар;

таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

нутқида нуқсони бор болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

хулқи оғир болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Махсус мактаб-интернатларнинг йўналишидан келиб чиқиб, ногирон болаларни нуқсонларини тузатиш мақсадида коррекцион соатлар ташкил этилиши, улар якка, гуруҳли ва ялпи (фронтал) тарзда тифлопедагог, дефектолог, сурдопедагог ёки махсус курслардан ўтган педагоглар томонидан олиб борилиши, коррекцион соатлар қуйидаги турларга бўлиниши кўрсатиб ўтилган: “Логопедия”, “Ижтимоий маиший йўналиш”, “Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш”, “Ритмика”, “Даволаш гимнастикаси”, “Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш”, “Майда қўл моторикасини ва тери сезгисини ривожлантириш”, “Мустақил ёзма нутқни ривожлантириш” ва “Эшитиш қобилияти ва талаффузни ривожлантириш”.

Ўқувчилар урф-одатлар, анъаналарни билишга, оила, мактаб, жамоа жойларида муомала маданиятига, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга ўргатиб борилиши, уларни касб-хунарга йўналтириш, бирор касбга қизиқишини орттириш, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қобилияти, лаёқатини ривожлантириш учун ҳар бир ўқувчига психологик-педагогик ташхис дафтарлари юритилиб, хулқида салбий ўзгаришлар кузатилган тарбияланувчилар билан суҳбатлар, психологик ёрдамлар олиб бориш лозимлиги қайд этилган.

Мактаб-интернатларда ўқувчиларни ҳаётга мослаштиришда ўтказилаётган тарбиявий машғулотлар ва тадбирлар тизимлаштирилган ва амалиётга тадбиқ этишга таянадиган, меҳнат ва касбга йўналтириш, одоб-ахлоқ, нафосат, гигиеник, ҳуқуқий, экологик тарбия йўналишларида олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот ривожда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш асослари ёритилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасига мактабгача ва мактаб ёшидаги қуйидаги тоифадаги болалар қабул қилиниши қайд этиб ўтилган:

эшитишда нуқсони бўлган болалар (карлар, заиф эшитувчилар, кейинчалик кар бўлган болалар);

кўришда нуқсони бўлган болалар (кўрлар, заиф кўрувчилар, кейинчалик кўр бўлган болалар);

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, дислалия, афазия, ринология, дизартрия, дудукланиш);

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, сколиоз, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, бўй ўсишининг етишмовчилиги-паканалик (карлик));

руҳий ривожланиши суст болалар;

ақли заиф болалар;

мураккаб нуқсонли болалар (ривожланишида 2 ва ундан кўп етишмовчилик бўлган болалар).

Шу билан бирга ихтисослаштирилган таълим муассасасига қуйидагилар қабул қилинмаслиги қайд этиб ўтилган:

а) ақли ўта заиф болалар (дебил, имбецил, идиот даражасидаги олигофрения);

б) ҳуққ-атворида оғир бузилишлар, ҳиссий-иродавий соҳасида (органик) нуқсонлари бўлган болалар;

в) таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган, мустақил равишда ҳаракатлана олмайдиган ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиган болалар;

г) кўр-кар-соқов болалар;

д) тез-тез такрорланадиган эпилептик тутқаноқдан азият чекадиган (эпилептик деменция, кундузги ва тунги вақтларда тутқаноғи тез-тез такрорланадиган) болалар;

е) марказий асаб тизимига шикаст етганлиги туфайли сийдик ва нажосатини ушлаб туролмайдиган болалар.

Ушбу тоифадаги болалар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тасарруфидаги муассасаларига йўлланиши ёки уларга яқка тартибда уйида ўқитиш ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган.

Илмий асосланган, ўқиш, ихтиёрий равишда ижтимоий фойдали меҳнат ва дам олишни уйғун алмашувини таъминловчи кун тартиби болаларнинг ихтисослаштирилган таълим муассасасида яшашини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Нуқсонларни тузатиш (коррекция) ва улар билан боғлиқ бола ривожланишининг ўзига хосликларини бартараф этиш таълим жараёнидаги барча дарсларда, синфдан ташқари ва бошқа тадбирлар жараёнида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида ривожланишдаги нуқсонларни бартараф этиш мақсадида бутун гуруҳ билан ва якка тартибдаги машғулотлар олиб борилади. Ўқув хоналари зарур бўлган махсус жиҳозлар билан таъминланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасида эшитишида, кўришда нуқсони бўлган ва мактаб таълимига етарлича тайёргарликка эга бўлмаган болалар учун тайёрлов гуруҳлари ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун турли тўғараклар, клублар, студиялар, секциялар ташкил этилади.

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация, санитар-гигиеник ва профилактик чора-тадбирлар Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари штати асосида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлар ёки муассасага бириктирилган соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Тадқиқот ривожда ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий педагогик хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл ва воситалари”** деб номланади, унда дастлаб ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўқувчисини шакллантиришга қўйиладиган талаблар келтирилган.

Имконияти чекланган ўқувчининг мустақил турмуш тарзини ташкил қилиш учун унда мустақиллик, жавобгарлик, ташаббусдорлик, дадиллик, қийинчиликларни бартараф қилиш ва ишни охиригача етказиш каби иродавий фазилат ва малакаларни ҳам шакллантирилиши лозим, бинобарин унинг мустақил турмуш тарзини ташкил қилиш, муайян даражада ўзига ишонч ҳиссини уйғонишига сабаб бўлади. Агар имконияти чекланган ўқувчи ўз ишини билиб, уни бажара олиш маҳоратига эга бўлса, унда ўз кучига ишониш пайдо бўлади. Ўз навбатида ўзига ишонган ўқувчи тез ривожланади ва зарур билим, малака ва кўникмаларга эга бўлади. Ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган ақлида нуқсони бўлган ўқувчи фақат атроф муҳит-нарсалар, жараён,

ҳодисаларни айнан бир хил, мос ва мукаммал равишда ўзлаштиргандагина идрок қилиши мумкин.

Ақли заиф ўқувчиларни турли-туман ҳаётига оид вазиятларни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш; мавжуд билим ва малакаларни керак бўлган вазиятда ҳозирда муқимлиги; таққослаш, умумлаштириш, мўайян бир фикрга келиш, хулоса чиқариш ва бошқаларга ўргатиш зарур.

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқувчисининг бундай юксак, ҳар жиҳатдан беками-кўст орзу қилинган «портрети»ни ижтимоий-маиший тайёргарлиги жараёнининг мақсади деб ҳисоблаш мумкин. Мақсадга эришиш учун тарбияланувчиларда шакллантириладиган қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш зарур:

- маиший меҳнатни билиш ва идрок қила олиш (шахсий гигиена, овқатлантиришни ташкил қилиш, турар жойга, кийим-бошига, оёқ кийимига ва кундалик ҳаётдаги бошқа нарсаларга қараш);

- маиший, ахборот, алоқа ва бошқа муассаса ва ташкилотларнинг хизматидан фойдаланишни билиш (савдо-сотиқ, маиший хизмат, алоқа, телефон, маданият, тиббий хизмат, транспорт);

- иқтисодий-маиший билимларни эгаллаш;

- бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил қилишни билиш;

- ўзора дўстона муносабатга тайёрлаш;

- турли ўқувчилар (таниш ва таниш бўлмаган, нотаниш, катта ва кичиклар, ўқитувчилар тенгдошлар в.б.) билан ўзаро муносабат маданиятининг умумий мажбурий тартиб қоидаларини тасаввур қилиш ва билиш, муносиб тажриба тўплаш;

- атрофдагиларга ахлоқий таъсирчан ижобий муносабат;

- иродавий хусусиятлар, ўз кучи ва имкониятларига ишонч;

- билиш фаолияти.

Тадқиқот ривожда имконияти чекланган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва амалий малакаларини назорат қилиш усуллари баён этилган.

Ўқитувчи олдида ҳар бир ўқувчининг дастур билимларини ўзлаштириш ва зарур малакаларни эгаллашини таъминлаш вазифаси туради. Бу фақат ўқувчиларнинг билим ва малакаларини самарали ва умумий тартибини текширишни ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Назорат қилиш усуллари, унинг талабларининг умумийлиги ва мақсадга мувофиқлиги билан аниқланади. Ўқитувчи қуйидагиларни текшириши керак:

- ўқувчи материал мазмуни доирасида қўйилган вазифани ҳал қила оладими;

- ўқувчи янги материални қандай ҳаракат, усуллар ва қандай изчилликда амалга оширилиши кераклигини тушундими;

- ўқувчига топширилган вазифани изчил ва мақсадга мувофиқ равишда бажара оладими.

Шундай қилиб, мавзу бўйича ўзлаштирилган материални ўзлаштиришни назорат қилиш уч қисмдан иборат бўлиши керак;

- мазмунни ўзлаштиришни якуний назорат қилиш (билимларни назорат қилиш);

- малакаларни шакллантирилиш даражасини назорат қилиш (малакаларни назорат қилиш);

- ихчамлаштирилган фаолиятни якуний назорат қилиш (қўникмаларни назорат қилиш).

ИДТМда дарс интизомини таъминлаш, интизомсиз имконияти чекланган ўқувчиларга нисбатан конструктив чоралар қўллаш таъкидлаб ўтилганидек, педагогик ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Бунда мактаб маъмурияти, ўқитувчилар, имконияти чекланган ўқувчилар ва уларнинг оналари асосий ҳамкорлар сифатида иштирок этади.

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида имконияти чекланган ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш жараёни иштирок этувчиларининг тузилмаси, ундаги горизонтал ва вертикал ахборот алмашуви алоқалари кўрсатилган чизмани ахборотли-мантиқий модел деб аташ мумкин. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида имконияти чекланган ўқувчилар билан ишлашнинг ахборотли-мантиқий модели қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Имконияти чекланган ўқувчилар (ИЧЎ)да ижтимоий шахс кўникмаларини таълим-тарбия жараёнида шакллантириш механизми

ИДТМ ўқувчисини шакллантириш функциялари: ўқувчиларнинг ҳаётида турли вазиятларни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш, олган билимларини амалда қўллай олиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатиш

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқувчиси портрети: имконияти чекланган бўлсада мустақил равишда ҳаёт тарзини ташкил эта оладиган, ўз имкониятларини бойитиб борадиган, ностандарт вазиятларда билимларини қўллай оладиган, жамиятда ижтимоий кўникмалар ва дахлдорлик ҳиссига эга бўлган мустақил шахс

ИЧЎда ижтимоий шахс кўникмаларини таълим-тарбия жараёнида шакллантириш босқичлари

танишиш

Таълимий ва тарбиявий мазмундаги ахборот билан танишиш

эгаллаш

Ўрганилган ахборот таҳлили натижасида билимларни эгаллаш, ўзини-ўзи шакллантириш

аниқлаш

Ижтимоий шахс кўникмаларини, мустақил ҳаёт тарзида қўллай олиш

якуний

ностандарт вазиятларни баҳолай олиш, аниқ режа асосида ижобий натижага эришиш

ИДТМ ўқувчисини шакллантиришга қўйиладиган талаблар:

Ижтимоий шахс кўникмаларини билиш, имконияти даражасида янги билимларни ўзлаштириш, ностандарт вазиятларни баҳолай олиш, мустақил ҳаёт тарзида ўз билимларини қўллай олиш

ИДТМда дарс интизомини таъминлаш, интизомсиз имконияти чекланган ўқувчиларга нисбатан конструктив чоралар қўллаш педагогик ҳамкорлик асосида амалга оширилишини, бунда мактаб маъмурияти, ўқитувчилар, имконияти чекланган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари асосий ҳамкорлар сифатида иштирокини таъминланади

ИДТМси таълим жараёнига қўйиладиган талаблар:

ИДТМ педагоги олиб борадиган фаолият мазмуни – имконияти чекланган ўқувчининг мустақил турмуш тарзини ташкил этишга ўргатиш, ўқувчида мустақиллик, жавобгарлик, ташаббусорлик, дадиллик, қийинчиликларни енгиш ва ишни охиригача етказиш каби ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, мақсад қўйишга ўргатиш, ўз қобилиятларини намоён этишда дахлдорлик ҳиссини ошириш, ўзига бўлган ишончни уйғотиш.

Мезонлар:

- таълимий ва тарбиявий мазмуннинг ИЧЎга мослиги;
- ўқувчиларда кутилган натижанинг назорат қилиниши;
- вақтнинг аниқлиги;
- ўқувчилар имкониятининг баҳолаш босқичлари
- мақсад сари ҳаракат қилиш тизими

Методлар:

- оғзаки
- амалий
- кўргазмали
- суҳбат
- тренинг
- психологик ташхис ва кўриклар

НАТИЖА:
Имконияти чекланган ўқувчиларда ижтимоий шахс кўникмалари шакллантирилади

1-расм. Имконияти чекланган ўқувчилар (ИЧЎ) да ижтимоий шахс кўникмаларини таълим-тарбия жараёнида шакллантириш механизми

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари ўқувчиларида учрайдиган муаммоли ҳолатлар ва ҳал қилиш йўллари қуйидаги жадвалда келтирилган(1-жадвал).

1-жадвал. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида интизом муаммоларини ҳал этиш йўллари.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида ўқувчиларида учрайдиган муаммоли ҳолатлар	Муаммони ҳал қилиш йўллари
Имконияти чекланган ўқувчилар томонидан мактабда ўрнатилган тартиб-интизомнинг бузилиши.	Имконияти чекланган ўқувчининг муҳим эҳтиёжларини ҳисобга олиш – уни ижтимоий муҳим жараён ва гуруҳларга жалб этиш. Боланинг эҳтиёжини қондиришга мос келадиган, унга айтилган пайтда мактабда ўрнатилган тартиб интизомга зид бўлмаган фаолият турларини танлашда ёрдам бериш йўллари топиш.
Имконияти чекланган ўқувчининг хулқи унга эътибор қаратишни талаб қилади.	Диққатни кўпроқ яхши хулққа қаратиш, имконияти чекланган ўқувчиларни шу хулққа риоя қилишга ўргатиш. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг диққатини минималлаштириш учун атайлаб содир этилаётган хулқ-атворга парво қилмаслик, кўрмасликка олиш, кўз билан алоқа қилиш, ёнига бориб туриш, ўтилаётган дарс матнига ўша имконияти чекланган ўқувчининг исмини кўшиб ишлатиш, пинхона белгилар, ёзма огоҳлантиришлар бериш. Қуйидагиларни дабдурусдан амалга ошириш: чирокни ўчириб қўйиш, мусиқий товуш чиқариш, оҳиста гапириш, овозни ўзгартириш, девор (ёки портрет) билан гаплашиш, дарс ўтишни вақтинчалик тўхтатиб қўйиш, имконияти чекланган ўқувчини чалғитиш, тўғридан-тўғри саволлар бериш, бирор юмушни бажаришни илтимос қилиш, фаолиятни ўзгартириш, синф эътиборини намунали хулқ-атворга қаратиш, имконияти чекланган ўқувчиларга миннатдорчилик билдириш, мисолларни доскага ёзиш, имконияти чекланган ўқувчиларнинг жойини алмаштириш.
Бошқаларга салбий таъсир кўрсатувчи хулқ-атвор (имконияти чекланган ўқувчи ўзининг салбий хислатларини намоён қилади, унга етакчи	Нозик ёндашув излаш, масаланинг муҳокамасини кечроқ муддатга қолдириш, фикрларни ёзма тарзда қайд этиб бориш, имконияти чекланган ўқувчиларни ҳайрон қолдиришни имконияти чекланган ўқувчи билан келишиш, мавзунини ўзгартириш, четлатишни қўллаш: масалан, бошқа синфга ўтказиш, махсус хонага чиқариб юбориш. Муайян санкциялар белгилаш: буюмлардан фойдаланиш ҳуқуқидан

бўлиш муҳимроқ, у ўқитувчи ҳамда бутун синф устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилади).	маҳрум қилиш, мактабнинг турли кабинетларига киришни, бошқа имконияти чекланган ўқувчилар билан мулоқот қилишни тақиқлаш, мактаб маъмурияти, ота-оналар, милиция ходимлари билан учрашишни, келтирилган зарарни қоплашни, буюмларни таъмирлашни, буюмларни жойига қайтаришни, худди шундайига алмаштиришни талаб қилиш.
Имконияти чекланган ўқувчи билан келишмовчилик вазияти.	Имконияти чекланган ўқувчининг шахсига эмас, унинг хулқ-атвори, юриш-туришига диққатни қаратиш; салбий ҳиссиётларнинг намоён бўлишидан сақланиш, кескинликни юзага келтирмаслик (бақирмаслик, “Ҳозирча бу ерда ўқитувчи менман!” қабилидаги сўзлардан фойдаланмаслик, охириги сўз ҳукукини ўзида қолдириш, имконияти чекланган ўқувчиларга босим ўтказадиган ҳолат ва имо-ишоралар, кескинликлар – тишни-тишга қўйган, қўлларни бирлаштирган ҳолат кабиларни, ҳақоратомуз, камситувчи, пичинг ва истехзоли қарашларни қўлламамаслик, имконияти чекланган ўқувчи характериға эътибор бермаслик, жисмоний куч ишлатмаслик, воқеликка алоқадор бўлмаганларни конфликтларга жалб қилмаслик, ўзининг ҳақ эканлигини талаб қилмаслик, имконияти чекланган ўқувчиларнинг жаҳлини чиқармаслик, бир имконияти чекланган ўқувчини бошқаси билан тенглаштирмаслик. Салбий хулқнинг муҳокамасини кейинроқ муддатга қолдириш, имконияти чекланган ўқувчига ўзлигини сақлаб қолиш имконини бериш.
Белгиланган меъёрга зид бўлган лексиканинг ишлатилиши. 1. Белгиланган меъёрга нисбатан ножўя сўзлар ишлатиш (имконияти чекланган ўқувчи ўқитувчи ва катталар уни эшитмаслигига ишонган ҳолда ўз нутқида нотўғри лексика қўллайди). 2. Атайлаб ножўя сўзлар ишлатиш (кўпчилик олдида ўқитувчини ҳақорат қилиш ва камситиш).	Бу муаммо ўқув йили бошида муҳокама қилинади. Бундай ифода ҳамма учун ҳам тушунарли эмаслигини, мактабда ҳамма учун умумэътироф этилган ифода (нутқ) шаклидан фойдаланиш лозимлиги, муайян вазиятларда уни (тилни) коррекциялаш лозимлигини тушунтириш. Имконияти чекланган ўқувчига бу одатдан кутилиш учун ёрдам бериш бўйича фаолият кетма-кетлигини аниқлаш (биринчи ҳолат – огоҳлантириш; иккинчи ҳолат – 10 дақиқа сабр қилиш; учинчи ҳолат – 10 дақиқа сабр қилиш ва ота-онасига мурожаат қилиш; тўртинчи ҳолат – мактаб маъмурияти ҳузурида учрашиш) . Агар имконияти чекланган ўқувчининг хатти-ҳаракати синфдаги умумий вазиятни бузмаган бўлса, директорга чиқариладиган расмий мурожаатни кун охиригача кечиктириш мумкин. Имконияти чекланган ўқувчи синфга қайтгандан сўнг у билан вазиятни муҳокама қилиш. Вазият ҳақида ота-оналарни хабардор қилиш ва бу ҳақда мактаб маъмуриятини ҳам воқиф қилиш.

Имконияти чекланган ўқувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантириш, касбий сифатларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга жараён бўлиб, жамиятда ақли заиф ўқувчининг касбий фаолият билан ўзаро боғланган ҳолда ривожланиши, кичик мутахассис сифатида шаклланишида ўрни беқиёслиги эътиборга олиниб, тадқиқот ривожидида ихтисослашган давлат таълим муассасалари учун ахборотлашган дарс ишланмалари

яратилган ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланишнинг амалий асослари ёритилган. Жумладан, тадқиқот давомида ихтисослашган давлат таълим муассасалари ўқув-моддий базасида ўтказилган “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси”, “Кийимларни лойиҳалаш асослари”, “Кийимларни моделлаштириш ва безак” амалий машғулотлар ишланмаси келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлик даражаси”** деб номланади, унда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш метод ва шакллари ва тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов дастурини тайёрлашда қуйидагиларга амал қилинди:

1. Тажриба-синов объектини аниқлаш.
2. Тажриба-синов мақсадини белгилаш.
3. Тажриба-синовни ўтказиш методикаси ва усулларини белгилаб олиш.
4. Тажриба-синов муддати ва босқичларини белгилаш.
5. Кутилаётган натижаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.
6. Олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

Таъкидловчи тажриба-синов ишларини ўтказишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

тадқиқот муаммоси бўйича чизмачиликдан дарслик ва методик қўлланмаларни таҳлил қилиш;

дарс жараёнини кузатиш;

имконияти чекланган ўқувчиларнинг йил давомида бажарган ишларининг таҳлили;

имконияти чекланган ўқувчилар учун тест саволларини тузиб чиқиш;

ўқитувчилар учун анкета саволлари тузиш;

ўқитувчилар ва имконияти чекланган ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш;

илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогик тажриба-синов оғзаки, амалий, кўргазмали, муаммоли таълим методлари орқали ихтисослашган давлат таълим муассасаларида «Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси» таълимини ўқитишни компьютерлаштириш имкониятларини ўрганиш, кўзланган мақсад учун мавжуд шарт-шароитларнинг талабга жавоб бериш даражасини аниқлаш ва бу фандан қийин ўзлаштириладиган мавзуларга оид яратилган электрон ўқув қўлланманинг амалиётдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида қўлланилди.

Тошкент, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳар ихтисослашган давлат таълим муассасаларидан тажриба синов учун танлаб олинган муассасаларда баҳолаш кўрсаткичларини “юқори”, “ўрта” ва “паст” деб олдик. Қуйидаги жадвалга тажриба синовларидан кейинги олинган натижалар киритилган (2-жадвал):

2-жадвал. Тажриба синовларидан кейинги натижалар

№	Ў	Ў	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
---	---	---	----------------	----------------


№		Имконияти чекланган ўқувчилар нинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст	Имкония ти чекланга н ўқувчила рнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст
Тошкент шаҳар 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси									
1	I	60	22	30	8	58	12	26	20
2	II	60	20	34	6	58	14	26	18
Самарканд шаҳар 59-сонли кўзи ожизлар учун ихтисослашган давлат таълим муассасаси									
1	I	58	22	28	8	58	12	26	20
2	II	58	20	32	6	58	14	26	18
Чирчиқ шаҳар 23-сонли имконияти чекланганлар давлат таълим муассасаси									
1	I	56	24	26	6	58	13	28	17
2	II	56	22	30	4	58	17	24	17
Умумий ўртача		58	22	30	6	58	14	26	18

Яқунловчи тажриба-синов 2018-2019 ўқув йилида ўқувчилар орасида дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўтказилди. Ўқувчилар тажриба гуруҳида 174 нафарни ва назорат гуруҳида 172 нафарни, жами 346 нафар ўқувчи иштирок этди. “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича ўтказилган тажриба-синов юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштириш мониторинги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал. «Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси» фани бўйича ўтказилган тажриба-синов юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштириш мониторинги

№	Назорат турлари	Ўзлаштириш натижалари					
		Тажриба гуруҳи m=174			Назорат гуруҳи n=172		
		аъло	яхши	қониқарли	аъло	яхши	қониқарли
1.	Ишлар	59	84	31	28	61	83
2.	Якуний назорат	75	70	29	44	71	57
	Ўртача	67	77	30	36	66	70

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий ўртача кўрсаткичларига мос келган полигонлар чизикли диаграмма тарзда 3-расмда келтирилган:



3–расм. «Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси» фани бўйича ўтказилган тажриба-синов юзасидан ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириш даражаси

Ихтисослашган давлат таълим муассасаларида «Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси» ўқув предметида ўқитишда компьютер технологиясидан фойдаланиш муаммоси юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ва унинг ишончилигини аниқлаш мақсадида олинган натижалар Стъудент критерияси ёрдамида математик-статистик қайта ишланди.

Олинган натижалардан ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ($K_{yc6}=1,04>1$) ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{606}=0,53>0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба-синов гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагилардан юқори экан. Натижада барча гуруҳлардаги тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қийматини назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали экан.

ХУЛОСАЛАР

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим тарбия мазмунини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадқиқот ишлари ва натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари имконияти чекланган ўқувчиларни рухий, интеллектуал, жисмоний жиҳатдан комплекс ташхислашнинг инновацион ёндашувларини коррекцион таълим амалиётига интегратив имплементация қилиш орқали такомиллаштирилди;
2. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясини самарали ташкил этиш механизмлари технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини назорат қилишга

мулжалланган усулларни мактаб ва оила ҳамкорлиги муҳитида ижтимоий фаоллик муносабатида қўллаш асосида такомиллаштирилди;

3. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели шахсга йўналтирилган, компетенциявий ёндашувларни коррекцион-педагогик амалиётга носоғлом анализатор фаолиятини тўлдирувчи компенсацион таъсирда интеграциялаш асосида такомиллаштирилди;

4. Дарс ва коррекцион машғулотларини ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш технологиялари ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятида диагностика, адаптация, коррекция тадбирларини уйғунликда SMART режалаштиришнинг инструментал техникаларини қўллаш орқали такомиллаштирилди.

Тажриба синовдан олинган натижалар математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил этилди. Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш нолдан катталиги аниқланди. Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги маълум бўлди. Демак, тажриба синов ишлари юзасидан олинган натижалар самарадор эканлиги кузатилди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўқувчилар урф-одатлар, анъаналарни билишга, оила, мактаб, жамоа жойларида муомала маданиятига, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга ўргатиб борилиши, уларни касб-хунарга йўналтириш, бирор касбга қизиқишини орттириш, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қобилияти, лаёқатини ривожлантириш учун ҳар бир ўқувчига психологик-педагогик ташхис дафтарлари юритилиб, ҳулкида салбий ўзгаришлар кузатилган тарбияланувчилар билан суҳбатлар, психологик ёрдамлар олиб бориш лозим.

2. Имконияти чекланган ўқувчининг мустақил турмуш тарзини ташкил қилиш учун унда мустақиллик, жавобгарлик, ташаббускорлик, дадиллик, қийинчиликларни бартараф қилиш ва ишни охиригача етказиш каби иродавий фазилат ва малакаларни ҳам шакллантирилиши лозим.

3. Ақли заиф ўқувчиларни ҳаётига оид вазиятларни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш; мавжуд билим ва малакаларни керак бўлган вазиятда муқимлиги, таққослаш, умумлаштириш, муайян бир фикрга келиш, ҳулоса чиқариш каби ҳолатларга ўргатиш зарур.

4. Мактаб-интернатларда ўқувчиларни ҳаётга мослаштиришда ўтказилаётган тарбиявий машғулотлар ва тадбирлар тизимлаштирилган ва амалиётга тадбиқ этишга таянадиган, меҳнат ва касбга йўналтириш, одоб-ахлоқ, нафосат, гигиеник, ҳуқуқий, экологик тарбия йўналишларида олиб бориш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Элмурзаева Н.Х. Основы педагогического обеспечения социальной реабилитации и профессиональной адаптации учащихся коррекционных школ // Мактаб ва ҳаёт. –Т. 2012. №7-8. –Б. 51-52 (13.00.00. №4)
2. Элмурзаева Н.Х. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари учун “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанидан ахборотлашган дарс ишланмаси // **Касб-хунар таълими методикаси. –Т. 2012. №6.**
2. Элмурзаева Н.Х. Кўзи ожиз ўқувчилар учун ўқув адабиётлари янги авлодини шакллантириш // Касб-хунар таълими. – Т. 2013. № 12. – Б. 19-20. (13.00.00 № 19).
3. Элмурзаева Н.Х. Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим жараёнининг ташкилий педагогик хусусиятлари. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендирий. –Нукус, 2018. №2. –Б. 53-56 (13.00.00. №20)
4. Элмурзаева Н.Х. Педагогические требования к организации образовательного процесса в специализированных государственных образовательных учреждениях. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендирий. - Нукус, 2021. №2. –Б. 69-75 (13.00.00. №20)
5. Элмурзаева Н.Х. Особенности развития инклюзивного образования в Узбекистане // Science and world. International scientific journal. –Volgograd, 2017. №3.-Б. 82-83
6. Элмурзаева Н.Х. Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republik of Uzbekistan // Eastern European Scientific Journal . Ausgabe. 2019. №1. –Б. 498-502
7. Элмурзаева Н.Х. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг инновацион усуллари // Халқаро конференция. Самарқанд, 2020. – Б. 464-466
8. Элмурзаева Н.Х. Организационно-педагогические условия профессионального обучения в промышленном колледже учащихся с ограниченными возможностями здоровья. Актуальные проблемы современной науки. Информационно-аналитический журнал. -Россия.: 2012. 0,3 б.т.
3. Elmurzayeva N.X. Organizational and pedagogical conditions professional training in industrial college students with disabilities. USA. Ny-uork.: 2013. 0,5 б.т.
4. Элмурзаева Н.Х. Особенности развития инклюзивного образования в Узбекистане. Science and world. International scientific journal. Volgograd.: 2017. 0,3 б.т.

II бўлим (II часть; II part)

5. Элмурзаева Н.Х. Кўзи ожиз ўқувчилар учун ўқув адабиётлари янги авлодини шакллантириш. СамДУ. Республика илмий-амалий конференция. –Т.: 2012. 0,2 б.т.
6. Элмурзаева Н.Х. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришни назорат қилиш усуллари. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ.Республика илмий-амалий конференция. -Т.: 2012. 0,2 б.т.
7. Элмурзаева Н.Х. Основы педагогического обеспечения социальной
8. ва амалий малакаларини назорат қилиш усуллари.
9. Элмурзаева Н.Х. Республика ёш олимлар илмий-амалий конференция. – Тошкент.: 2012. 0,4 б.т.
- 10.Элмурзаева Н.Х. Организационно-педагогические условия профессионального обучения в промышленном колледже учащихся с ограниченными возможностями здоровья. Актуальные проблемы современной науки. Информационно-аналитический журнал. -Россия. 2012. -Б. 84-86
- 11.
- 12.Элмурзаева Н.Х. Проблемы формирования нового поколения учебной литературы для специализированных школ. CentralAzia – 2013. Международная конференция. –Тошкент.: 2013. 0,5 б.т.
- 13.Элмурзаева Н.Х. , Ганиева Х.Б. Практика педагогического обеспечения социальной реабилитации и профессиональной адаптации учащихся коррекционных школ. Молодой учёный. Ежемесячный научный журнал. - Россия.:2013.0,4 б.т.
- 14.Элмурзаева Н.Х. Аёллар кўйлагининг майда деталларини тайёрлаш технологияси. Касбий фанлар методикаси. Маънавий-маърифий, илмий методик нашр. –Тошкент.: 2013. 0,2 б.т.
- 15.Элмурзаева Н.Х. “Металл қирқиш станокларини бошқариш ва ростлаш» мавзуси бўйича дарс ишланмаси. Тошкент. ТИСКҲҚ.– 2011 йил. 12 бет.
- 16.Элмурзаева Н.Х. «Аёллар кўйлагининг майда деталларини тайёрлаш технологияси» мавзуси бўйича ахборотлашган дарс ишланмаси. Методик қўлланма. Тошкент. ТИСКҲҚ.– 2011 йил. 20 бет.
- 17.Элмурзаева Н.Х. “Аёллар кўйлагининг майда деталларини тайёрлаш технологияси ” мавзусида дарс ишланмаси. “Тиқувчилик ишлаб чиқариш технологияси”, “Кийимларни лойиҳалаш асослари”, “Кийимларни моделлаштириш ва безак” мутахассислари учун. Методик қўлланма. Тошкент. 2015. 1,4 б.т.

- 18.Элмурзаева Н.Х. “Металл қирқиш станокларини бошқариш ва ростлаш” мавзуси бўйича дарс ишланмаси. Металларга ишлов бериш механиги; Кенг профилли дастгоҳчи йўналишлари бўйича “Токарлик ишлари”, “Чилангарлик ишлари” мутахассисликлари учун. Методик қўлланма. Тошкент 2015. 1,2 б.т.
- 19.Элмурзаева Н.Х. Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим: дастлабки натижалар, муаммолар ва истиқболдаги режалар. Самарқанд вилояти ХТХҚТМОИ. Республика илмий-амалий конференция. 2015. 0,4 б.т.
- 20.Элмурзаева Н.Х. Ўзбекистонда имконияти чекланган ўқувчиларга таълим бериш турлари. Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ. Республика илмий-амалий конференция. 2015. 0,4 б.т.
- 21.Элмурзаева Н.Х. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш. Жиззах вилоят ХТТМИ. Республика илмий-амалий конференция. 2015. 0,4 б.т.
- 22.Элмурзаева Н.Х., Эшимов Р.Р. Аниқ фанлар таълимида компьютерли ўқитиш технологияларини қўллаш муаммолари.Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ. Республика илмий-амалий конференция.-Т.: 2016. 0,4 б.т.
- 23.Элмурзаева Н.Х. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар академияси. Республика илмий-амалий конференция. - Тошкент. 2016. 0,3 б.т.
- 24.Элмурзаева Н.Х. Ўқувчиларнинг ёшига ва ижтимоий-психологик ҳолатларига оид хусусиятлари. Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ. Республика илмий-амалий конференция. 2016. 0,3 б.т.
- 25.Элмурзаева Н.Х. Технологик ёндашув асосида “Миллий педагогиканинг моҳияти”модулини ўқитишнинг педагогик асослари. Ўқув услубий қўлланма.-Тошкент.:2017. 0,5 б.т.
- 26.Элмурзаева Н.Х. Теоретико-методологические основы педагогического обеспечения социальной реабилитации и профессиональной адаптации учащихся коррекционных школ. Международная конференция. Астана.: 2017. 0,3 б.т.
- 27.Элмурзаева Н.Х. Таълим муассасаларида интизомни таъминлаш ва такомиллаштиришнинг ташкилий педагогик жиҳатлари. ЎЗМУ хабарлари. -Тошкент.: 2017. 0,3 б.т.
- 28.Элмурзаева Н.Х. Касб танлаш жараёнини моделлаштирувчи ўйинлар. “Мураббий маҳорати” журнали. -Тошкент.: 2017. 0,2 б.т.

29. Теоретико-методологические основы педагогического обеспечения социальной реабилитации и профессиональной адаптации учащихся коррекционных школ. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. Республика илмий-амалий конференция.-Т.: 2017. 0,2 б.т.
30. Элмурзаева Н.Х. Вояга етмаган жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази. Республика илмий-амалий конференция. -Тошкент.: 2018. 0,2 б.т.
31. Элмурзаева Н.Х. Илм ва жамият журнали, Нукус. 2018.
32. Элмурзаева Н.Х. Мураббий маҳорати. 2018.
33. Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги дарс интизомини таъминлаш мезони сифатида. “Оила” илмий-амалий маркази. Республика илмий-амалий конференция. -Тошкент.: 2018. 0,5 б.т.
34. Organization of the Educational Process in Specialized Schools Pedagogical Problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 07, 7020-7027, 2020.
35. Pedagogical Requirements for the Organization Process in Specialized State Educational Institutions. Psychology and Education Journal 58 (1), 1078-1084, 2021.
43. Педагогические требования к организации образовательного процесса в специализированных государственных образовательных учреждениях. In Association with Novateur Publication India's Journal NX A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal journalnx.com ISSN: 2581-4230 JOURNAL IMPACT FACTOR: 7.223 2021 652-657
44. Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги. Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ. Республика илмий-амалий конференция. 2021
45. Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда таълим тарбия жараёнини ташкил этиш педагогик муаммо. Science and Education 2 (Special Issue 1), 161-171, 2021
46. Innovative Activity In Education-The Requirement Of The Period. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 263-267, ISSN 2515-8260 Volume 08, Issue 02, 2021
47. Самообразование личности в процессе профессиональной подготовки студента. Science and education scientific journal volume #2 special issue#1 may 2021

